Куч — адолатда

2013 йил
8 февраль,
жума
№ 6 (415)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС САРЧАШМАСИ

Буюк алломаларимизнинг бебаҳо маънавий меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, миллий адабиётимизни ривожлантириш, навқирон авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир.

Улуғ шоир, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг маънавиятимиз шаклланиши, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақи, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли халқ сифатида жаҳонга танилишимизда ўрни беқиёсдир. Шу боис истиқлол йилларида Алишер Навоийнинг ижодини ўрганиш, асарларини мукаммал тўплам ҳолида чоп этиш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Ватанимиз пойтахтида Алишер Навоий номидаги файзли боғ барпо этилди ва шоирнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Шаҳримиз марказида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Симпозиумлар саройидан иборат "Маърифат маркази"нинг муҳташам биноси бунёд этилди. Буюк мутафаккир асарларидан иборат дастлаб йигирма жилдлик, сўнгра ўн жилдлик тўпламнинг нашр этилгани бу йўналишдаги эзгу ишларнинг яққол намунасидир.

Шоир асарларида улуғланган эзгу ғояларнинг бардавомлиги халқимизнинг фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, ота-онани эъзозлаш, ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш сингари ибратли ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Айтиш жоизки, бутун дунёда кенг ўқиб-ўрганилиб келинаётган шоир асарлари инсонпарварлик, тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, комил шахс тарбияси каби эзгу ғоялар билан йўғрилгани боис мангуликка дахлдордир. Алишер Навоий асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, ижоди жаҳон олим ва тадқиқотчилари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилаётгани улуғ шоир даҳосига башариятнинг чексиз эҳтироми рамзидир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Islohot va samara

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР МАҚСАД

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим таркибий қисми саналган мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш йўлида босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йилда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари моҳият-эътибори билан бу борадаги янгиланиш ҳамда ўзгаришларни янги босқичга олиб чиқди. Мухбиримиз ислоҳотларнинг бориши, хусусан, ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош МУСТАФОЕВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, аввало, суд тартибида ҳимоя қилинади, — дейди Б. Мустафоев. — Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимизнинг ташаббуси билан мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш йўлида амалга ошириб келинаётган тарихий аҳамиятга эга ислоҳотлар замирида ҳам жамиятимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадлар мужассамдир. Шу ўринда ушбу ислоҳотларга қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилиги жиддий ислоҳ қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. Айни чоғда умумюрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Натижада жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Бугунги кунда фуқаролар биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатларини кассация инстанциясида ўз адвокати иштирокида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция суди қарорига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига қаратилган ҳуқуқий кафолатлар тизими тобора мустаҳкамланмоқда.

Ушбу жараёнда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатларидан уларни ўз вақтида хабардор қилиш ва ҳуқуқий онгини оширишга ҳам доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимояси — доимий эътиборда

Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 169 та тақдимнома ва 72 та ёзма кўрсатма киритилди. 158 нафар шахс интизомий, 38 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, судларга 170 та даъво аризаси киритилди, 75 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. Жумладан, "Ўздавнефтгазинспекция" Хоразм вилояти ҳудудий бўлимида 2012 йил 14 ноябрда хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишлар ва қўлланилган таъсир чораларининг қонунийлиги ўрганиб чиқилди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти муносабатларини изчил тартибга солувчи қонунчилик базасини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Айни чоғда мазкур соҳага доир қонун ҳужжатлари бугунги кун талабидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилмоқда.

Qonun mohiyati

Иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш — тараққиёт кафолати

2012 йил 26 декабрда матбуотда эълон қилинган ва шу кундан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг **"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуни бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур Қонун 2013 йил учун мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясига, шунингдек, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги **"Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда 18 июлдаги **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Айтиш керакки, ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда **"Банкротлик тўғрисида"**ги, **"Бож тарифи тўғрисида"**ги ва **"Чет эл инвестициялари тўғрисида"**ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Солиқ кодексининг 50-моддасига ва **"Банкротлик тўғрисида"**ги Қонуннинг 125-моддасига юридик шахс хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда, тугатишга доир иш юритишнинг бутун даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек, аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу эса, ўз навбатида, банклар томонидан мижозларнинг ҳисобрақамларига электрон масофадан хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматларга тенглаштирилишини, умумий белгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарни истисно этганда, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар тоифасидан чиқарилишини назарда тутади.

Шунингдек, Қонун билан Солиқ кодексининг яна бир қатор моддаларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Аввало, мазкур кодекснинг 61-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилди: "Юридик шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ қарзини узмаган тақдирда ва агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кўп бўлган суммадаги солиқ қарзи узилмай қолса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу кодекснинг 65-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Кредитдан мақсадли фойдаланган кам бўлмайди

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Бу борада уларга тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг аҳамияти беқиёс.



Шуни айтиш керакки, кредитлар белгиланган муддатда қайтарилиши зарур бўлган молиявий манбалар сирасига киради. Шу боис кредит муносабатлари кредит шартномаси орқали амалга оширилиб, унда кредит бериш, ундан фойдаланиш тартиби ҳамда қайтарилиш вақти аниқ кўрсатилади.

Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Бунга риоя килмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади. Бундай шартнома тузилаётган пайтда томонлар ўзларининг манфаатларини кафолатлаш мақсадида неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР МАҚСАД

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жорий этилган ушбу янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ҳамда суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг кафолатига айланди. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2012 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 89 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилди.

Ўтган даврда иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Унга кўра, жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш кўринишидаги жазо тури чиқариб ташланди. Айни чоғда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилди. Бугунги кунда иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкция қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар Жиноят кодексининг 11 моддасига киритилди ва пировардида озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар сони 2012 йилда 2000 йилдагига нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди. Жумладан, жиноий жазоларни либераллаштиришга оид қонун қабул қилингандан буён жиноят оқибатида етказилган 246 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар ўрнини қоплаган 23 мингдан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилди.

Эътиборлиси, жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқ бу кенг кўламли ислоҳотлар боис ҳозирги пайтда қамоқдагилар сони бўйича Ўзбекистон жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткичга эга бўлиб турибди, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 киши тўғри келади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, ушбу кўрсаткич Россияда 611, АҚШда эса 738 нафар кишини ташкил этади.

— Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида халқимизнинг табиатига мос келадиган ярашув институти ҳаётга татбиқ этилди. Мазкур амалиёт бугунги кунда нечоғли самара бермоқда?

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, йиқилганни суяш ёхуд адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби қадриятларни ўзида мужассам этган ярашув институтининг амалиётга жорий этилиши жамиятимиз ҳаётида ўта муҳим воқеа бўлди. Чунки ушбу институт замирида айбдорни муқаррар жазога тортиш эмас, балки унга қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олиши учун имкон бериш каби инсонпарварлик тамойили мужассам. Шу маънода, ушбу институт кутилган самараларни бермоқда. Буни у жорий этилгандан буён ўтган давр ичида 127 минг 202 та иш бўйича 138 минг 165 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури қўлланилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

2001 йилда Жиноят кодексининг 26 та моддасидаги қилмишларга нисбатан бу институтни қўллаш назарда тутилган бўлса, жорий йил 4 январда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилингунга қадар эса Жиноят кодексининг 40 та моддасидаги жиноятларга нисбатан ярашув институтини татбиқ этиш мумкин эди. Мазкур янги Қонун билан Жиноят кодексининг 66[1]-моддасидаги ярашув институтини қўллаш доираси янада кенгайтирилди. Булар қуйидагилардир: "Сохта банкротлик" (180-модда), "Банкротликни яшириш" (181-модда), "Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш" (189-модда) ва "Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш" (191-модда).

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур Қонун қабул қилингунга қадар ярашув институти кўпроқ шахснинг жисмоний дахлсизлигига тажовуз қилиш, белгиланган қоидаларни бузиш билан боғлиқ жиноятларга нисбатан қўлланилган бўлса, эндиликда иқтисодиёт асосларига қарши айрим жиноятларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши назарда тутилмоқда.

— Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари билан боғлиқ бир қатор ғоялар ҳам илгари сурилганди. Бугунги кунда ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда қонун ижодкорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Жумладан, жорий йил 4 январда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун шулар жумласидандир. Ушбу Қонун билан мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Божхона ва Солиқ кодексларига ҳамда 15 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Жиноят кодексининг 41-моддаси "Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлари, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди" деган таҳрирдаги бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Мазкур меъёр, аввало, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи идоралар билан ўзаро муносабатларида тадбиркор ҳуқуқлари устуворлигини таъминласа, иккинчидан, тадбиркорни ўз фаолиятида таваккалчилик асосида фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, кўзланган мақсадга эриша олмай, кредитлар юзасидан банк ва молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда, банк ва бошқа молия ташкилотлари ходимлари жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

Шу ўринда судланганлик ҳолати институти тубдан ислоҳ этилганини ҳам қайд этиш зарур. Айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 78-моддасида судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатлари белгиланган. Унга кўра, судланганлик ҳолати шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муддати тугаган кундан бошлаб, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач, жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач, қамоқ жазоси ўталганидан кейин икки йил ўтгач, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин тўрт йил ўтгач, беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин етти йил ўтгач, ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин ўн йил ўтгач тугалланиши белгиланган.

Мазкур кодекснинг 79-моддасига кўра эса, шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан сўнг унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг илтимосномасига биноан, Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўталганидан кейин суд унинг судланганлигини олиб ташлайди.

Шундан келиб чиқиб, юқорида номи қайд этилган янги Қонун билан Жиноят кодексининг 79-моддаси янги иккинчи қисм билан тўлдирилди: "Ушбу кодекснинг 178-184, 185-185[2], 189-192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказмаганда, ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтгандан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин".

Муҳими, судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлишини инобатга олсак, қайд этилган моддалар мазмунига кўра, жиноий жавобгарликка тортилиб, тайинланган жазони ўтаган шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши учун кенг имконият яратилади.

— Президентимизнинг ўтган йилдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжатлар асосида қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?

— 2012 йилда Президентимизнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини янги босқичга олиб чиқадиган фармонлари қабул қилинди. Хусусан, "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг ойлик иш ҳақи оширилиши ҳамда ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда устама ҳақ тўланиши, судьялар хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан оладиган даромади жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловларидан озод қилиниши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда тураржойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб бориш назарда тутилган.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, 2012 йил 31 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан, судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби, уй-жойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиблари юзасидан Низом тасдиқланди.

"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда эса бевосита суд кадрларини танлаш тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар кўзда тутилган. Хусусан, судья лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш тизимини тубдан ўзгартириш зарурлиги ҳар жиҳатдан асосланган. Зеро, судьяликка номзодлар яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга, ихтисоси бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда зарур иш стажига эга бўлган юристлар орасидан танлаб олинишини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу боис ҳам фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳамда хўжалик судининг судьяси лавозимига 30 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йил иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланиши белгилаб қўйилди.

Янги тизимга кўра, вилоят суди, унинг малака ҳайъати ўзи билганича захирани шакллантирмайди, судьяликка номзодларни белгиламайди, фақат судьялар захирасини шакллантириш жараёнида иштирок этади. Захирани шакллантириш ишларига эса Олий малака комиссияси раҳбарлик қилади ва бу ишда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қатнашади. Эндиликда ушбу захира Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг судья кадрлари захираси, деб аталади. Захира 400-500 кишидан иборат бўлиб, у доим янгилаб борилади.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Олий малака комиссияси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда захирада турган ёки судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар касбий савиясини тубдан яхшилашни таъминлаш масъулияти юклатилди. Шунингдек, Олий малака комиссияси, Олий суд, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлигига судьяларнинг хизмат ва мансаб поғоналари бўйича ўсишини таъминлайдиган кафолатларни, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, шу жумладан, лавозимга қайта тайинлаш ёки ваколатлари тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш даврида ижтимоий муҳофаза қилиш механизмларини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари топширилди.

Қолаверса, судьяларни янги ваколат муддатига ёхуд бошқа судьялик лавозимига кўрсатиш бевосита умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати, хўжалик судлари судьялари малака ҳайъати орқали Олий малака комиссиясига бериладиган судьяларнинг аризалари асосида амалга оширилади.

— Тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, кўп жиҳатдан, судьялар билими, малакаси, муҳими, уларнинг ҳалоллиги билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан суд обрўсига путур етказаётган судьяларга нисбатан қандай чоралар кўрилмоқда?

— Ҳеч кимга сир эмас, ҳаётда танлаган касбига номуносиб, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган кадр ҳеч қачон, ҳеч кимга обрў-эътибор олиб келмайди. Айниқса, бу ҳолатни суд-ҳуқуқ тизими мисолида олиб қарайдиган бўлсак, салоҳият ва қобилияти етарли бўлмаган, бундан ҳам ёмони, ўз шахсий манфаати йўлида ўзгаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини писанд этмайдиган судья ёки суд ходими ноқонуний хатти-ҳаракати билан нафақат ўз шаънига доғ туширади, балки жамоатчиликнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончу эътиборига ҳам жиддий путур етказади.

Айтиш жоизки, ўтган йилда махсус ишчи гуруҳ томонидан умумий юрисдикция судларининг фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди. Натижада ўз фаолиятида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун бир қатор судьялар лавозимидан озод этилди. Айни чоғда ўрганиш жараёнида вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг қуйи судлар фаолияти устидан етарлича назорат олиб бормаётгани, судьялар билим савиясини мунтазам равишда ошириб бориш, янги қабул қилинган қонунлар, қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз вақтида ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш борасида ҳам етарлича чора-тадбирлар белгиламаганлиги аниқланди. Бундай камчиликларни бартараф этиш, одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

— Баъзан "фалончи идора чиқарган қарор суд томонидан бекор қилинди" ёки "фалончи раҳбар ноқонуний қарори учун жазоланди" қабилидаги гаплар қулоққа чалинади...

— Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, аввало, суд тартибида ҳимоя қилинади. Бугунги кунда бирон-бир мансабдор шахснинг қонун талабига зид қарори суд томонидан бекор қилинишига ҳам табиий ҳол деб қараш керак. Ҳолбуки, бу борада ҳам судлар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Суд амалиётига назар солсак, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан туман ҳокимларининг айрим қарорлари бекор қилинган ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, 2011 йилда туман ҳокимларининг фарзандликка олиш тўғрисидаги 56 та, 2012 йилнинг 9 ойида эса 43 та қарори суд томонидан бекор қилинган.

Шунингдек, 2011 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ 276 та иш кўрилган. Шундан 245 таси бўйича даъво қаноатлантирилиб, 66 миллион сўм моддий зарар, 15 миллион сўм маънавий зарар ундирилган. Ўтган йилда эса 506 та иш кўрилиб, шундан 491 таси қаноатлантирилган. Тадбиркорлар фойдасига 49 миллион сўм моддий ва 31 миллион сўм маънавий зарар ундирилган.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2011 йили ҳокимларнинг уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги 123 та қарори, 2012 йилда эса 159 та қарори бекор қилинган.

Шу ўринда ҳақли савол туғиладики, давлат идоралари қарорлари суд томонидан нега бекор қилинади? Бунинг жавоби оддий. Қонунга зид қарор қабул қилиндими, у албатта, суд томонидан бекор қилинади. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун эса, аввало, фуқаролар ва раҳбар ходимлар ҳуқуқий билимларини бугунги кун талаби даражасида юксалтириш, жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини юқори савияда ташкил этиш, бунда замонавий услублардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, мақсадимиз қонунлар устувор бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш экан, юртдошларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ суҳбатлашди.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 6 феврал сонидан олинди)

Qonun mohiyati

Иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш — тараққиёт кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жисмоний шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўн кун ичида уни бажармаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади, солиқ қарзи суммаси мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳоллар бундан мустасно".

Бинобарин, киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш тартиби билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят бериш тегишинча шикоят бўйича давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан қарор қабул қилингунига ёки суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарор ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан, қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек, молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб туришни, солиқ тўловчи қайси давлат солиқ хизмати органининг қарори ёки мансабдор шахсининг ҳаракатлари устидан шикоят қилаётган бўлса, ўша органни давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят берганлиги тўғрисида тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиши шартлиги мустаҳкамланди.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 186-моддаси биринчи қисми "Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини, шунингдек, энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йилнинг 1 январидаги ҳолати инобатга олинади" деган мазмундаги жумла билан тўлдирилиб, унинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди: "Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади".

Яна бир янгилик шундан иборатки, мазкур кодекснинг 192-моддаси еттинчи қисми "Мол-мулкини ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади", деган таҳрирда баён этилди.

Шунинг баробарида, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига юридик шахслар томонидан — ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилиши белгиланиб, жисмоний шахслар томонидан — йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай тақдим этилиши мустаҳкамланди. Шунингдек, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан — ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши назарда тутилди.

Айни чоғда солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши, сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланиши, сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига жорий солиқ даврининг 15 январига қадар тақдим этишлари кераклиги ҳамда давлат солиқ хизмати органлари беш кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозимлиги белгиланди.

Бундан ташқари мазкур Қонун билан солиқни ҳисоблаб чиқариш тартибига ҳам ойдинлик киритилиб, унга кўра, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно) — йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда; ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан — жорий солиқ даврининг 15 декабригача; Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — солиқ давридан кейинги йилнинг 25 январигача тақдим этилишига оид норма мустаҳкамланди.

Қонунчиликка киритилган навбатдаги янгилик солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси транспорт воситалари учун ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг нархида ҳисобга олиниши, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолда ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топширладиган муддатда тақдим этилиши, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кундан кечиктирмай, ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ерда ҳар ўн кунда амалга оширилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун орқали Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига ҳам мамлакатимизда иқтисодий соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мазкур Қонун орқали айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳонда амал қилинаётган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Зафар РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Fuqarolik qonunchiligi

Кредитдан мақсадли фойдаланган кам бўлмайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кредит шартномасига кўра, қарз олувчи белгиланган муддат ичида кредит суммасини тўлай олмаса, кредитга берилган кўчар ёки кўчмас мулк суд қарорига асосан сотилади ва ундан тушган маблағ кредит ташкилоти ҳисоб рақамига ўтказилади. Қарз олувчи кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда кредитор шартномани бекор қилишга ва кредит беришни тўхтатишга ҳақли.

Кредит шартномаси тузилгандан бошлаб тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келади. Судлар томонидан кўриб чиқилган кредит шартномаси билан боғлиқ низоларнинг аксарияти ушбу муносабат субъектларининг шартномада белгиланган мажбуриятларни бир томонлама бажармаслиги билан боғлиқдир. Масалан, даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси "Асакабанк" ҳудудий филиали манфаатини кўзлаб жавобгарлар "Орол-Турон" фермер хўжалиги ва бошқаларга нисбатан кредит шартномасини бекор қилиш, кредит суммасидан қарздорлигини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топган. Чунки иш ҳолатларига қараганда, асосий даъвогар "Асакабанк" ҳудудий филиали билан "Орал-Турон" фермер хўжалиги ўртасида 2007 йил 25 июнда тузилган кредит шартномасига асосан қарздорга 292 миллион сўми 2 дона "CLAASS-Dominator-130"-комбайни сотиб олиш учун йиллик фоизи билан 60 ой муддатга берилган. Ажратилган кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида 2008 йил 28 февралдаги Ипотека шартномасига мувофиқ "Раҳим" хусусий корхонасига тегишли Нукус шаҳри А. Дўстназаров кўчаси, 127-уйнинг 1-хонасида жойлашган умумий ер майдони 61,8 кв.метр бўлган дорихона иморати, Нукус шаҳри, П.Сейитов кўчасидаги уйда жойлашган умумий ер майдони 43,38 кв.метр бўлган дорихона иморати, Нукус шаҳри А.Дўстназаров кўчасидаги уйда жойлашган умумий ер майдони 66,0 кв.метр бўлган дорихона иморати, 2008 йил 28 февралдаги Ипотека шартномасига асосан фуқаро А.Матназаровга тегишли бўлган Нукус шаҳри 22-кичик тумани, 25-уйнинг 13-хонасида жойлашган умумий ер майдони 77.02 кв.метр бўлган дорихона иморати, шунингдек, 2008 йил 28 февралдаги гаров шартномасига асосан "Орол-Турон" фермер хўжалигига тегишли 2007 йилда ишлаб чиқарилган 2 дона трактор гаровга қўйилган. Ушбу мулкларнинг баҳоси тарафлар ўртасида ўзаро келишув далолатномасига асосан жами 111 миллион 808 минг 982 сўм этиб белгиланган.

Жавобгар "Орол-Турон" фермер хўжалиги томонидан шартнома шартлари бажарилмагани натижасида 2012 йил 31 май ҳолатига кўра, кредит қолдиғи жами 39 миллион 180 минг 129 сўмни ташкил қилган.

Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмида белгиланганидек, тарафлардан бирининг талаби билан фақат иккинчи тараф ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузса, шартнома суд томонидан бекор қилинади. Мазкур кодекснинг 736-моддаси 2-қисмида "Агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли", деб кўрсатилган.

Тарафлар ўртасида тузилган ипотека ва гаров шартномаларида, агарда қарздор кредит суммаларини ёхуд кредит фоизларини ўз вақтида тўламаса, унда гаровга қўйилган мулклар Фуқаролик кодексининг 280-моддасига асосан ундирилиши кўрсатилган. Шу сабабли суд даъвогар ва жавобгар ўртасидаги кредит шартномасини муддатидан аввал бекор қилиб, жавобгар "Орол-Турон" фермер хўжалигидан "Асакабанк" ҳудудий филиали фойдасига кредит қолдиғи суммасини ундириш ҳақида қарор чиқарди. Қарор ижроси гаровга қўйилган мулкларга қаратиладиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар уларнинг равнақ топиши учун берилаётган имкониятдир. Бундан оқилона ва мақсадли фойдаланилсагина ишда унум ва барака бўлади.

С.КАИПНАЗАРОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг судьяси

Saboq

Қоидага амал қилиш — хавфсизлик кафолати

Йўлларда амалдаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш хавфсизликни таъминлашнинг асосий кафолати саналади. Аксинча, ҳушёрлик ва масъулиятни унутиш эса, ҳеч қачон хайрли якун топмайди. Масалан, Фарҳод Турғуновнинг хатти-ҳаракатлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ф.Турғунов муқаддам маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган эди. Бироқ у ўзига нисбатан қўлланилган маъмурий ҳуқуқбузарлик чорасидан тегишли хулоса чиқариб олмади.

Ўша куни Ф.Турғунов таниши Ш.Аҳмедов билан қаҳвахонада хурмачаси тўлгунча спиртли ичимлик истеъмол қилади. Сўнгра у маст ҳолатда фуқаро Ў.Жаниевга тегишли, ўзининг бошқарувидаги "Ласетти СПГ" русумли автомашинани бошқариб, йўлга чиқади.

Табиийки, Ф.Турғунов автомашинани бошқарадиган аҳволда эмасди. У амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг "Ҳайдовчиларга транспорт воситасини ҳар қандай мастлик (алкоголь) ҳолатида бошқариш тақиқланади, ҳайдовчи аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида енгил автомашина тезлигини соатига 100 километрдан оширмаслиги, йўлларда транспорт воситаларининг ўнг тарафлама ҳаракатланиши, йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги керак" деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузади.

Аниқроқ айтганда, у "Фориш-Хонбанди" автомобиль йўлининг ўнинчи километрида автомашинани Хонбанди йўналиши бўйича бошқариб кетаётган пайтда йўлнинг чап қисмида ўзидан олдинда велосипедда ҳаракатланиб кетаётган болани уриб юборади. Транспорт ходисаси оқибатида жабрланувчи ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олиб, воқеа жойида вафот этади.

Дастлабки тергов идораси томонидан судланувчи Ф.Турғуновнинг транспорт воситаси ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда ифодаланган ва одам ўлимига сабаб бўлган жиноий қилмиши Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан малакаланди.

Суд Ф.Турғуновни Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбдор, деб топиб, уни икки йил олти ой муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этди. Судланувчи Ф.Турғуновга нисбатан етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Бу воқеалар тўғрисида мулоҳаза юритган киши ҳаётга енгил қараш, масъулиятни унутиб қўйиш ва амалдаги тартиб-қоидаларга беписанд муносабатда бўлиш шундай якун топади, деган тўхтамга келади. Чунки Ф.Турғунов оиласи, яқинлари даврасида тинч-тотув яшаб, ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечираётган эди. Унинг ўзига ортиқча бино қўйиши, энг ёмони, ичкиликка муккасидан кетиши шундай аянчли хотима топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, бу бизнинг хавфсизлигимиз кафолатидир.

Собиржон ЭРГАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Фириб тўри

унга фирибгарнинг ўзи тушди

Суд очерки

Қобилжон муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, олий ўқув юртига ҳужжат топширди. Аммо етарлича балл тўплай олмагани учун ўқишга киролмади. Шундан кўнгли ғаш бўлиб юрган кунларнинг бирида узоқ қариндоши Азамат бир гап топиб келди-ю, бундан унинг дили ёришгандек бўлди.

Азамат Ғиждувон шаҳрига борганида Зарафшон шаҳрида яшовчи Лобар исмли аёл билан танишиб қолибди. Лобар обрўли идорада ишлар ва Қобилжонни ҳам яхшироқ ишга жойлаштириш қўлидан келар экан.

Қисқаси, ўша кун Азамат Лобар берган рақамга қўнғироқ қилди. Ишнинг ўнгидан келгани шу бўлса керак-да, Лобар ҳали Ғиждувонда экан. Улар эртаси куни учрашишгач, Азамат Лобарга Қобилжон ва унинг онасини ўзининг қариндоши деб таништирди. Шундан сўнг улар асл муддаога ўтишди. Гап орасида Холида опа ҳаражатдан қочмаслигини қистириб ўтди.

Буни қарангки, Лобар деганлари ҳам жуда "хожатбарор" эканми, шу куннинг ўзидаёқ Қобилжонни ёнига олиб, Навоий шаҳрига йўл олди. Бир неча идорага кириб чиққан Лобар Қобилжонни меҳмонхонага жойлаштирди-да, эртага эрталаб учрашишга ваъда берди. Лобар кетаётиб, Қобилжондан 100 минг сўм олди.

Бироқ эртаси куни эса, у қорасини кўрсатмади. Қобилжоннинг тоқати-тоқ бўлиб, онасига қўнғироқ қилди ва Лобар келмаётганини айтди. Холида опа ҳам ўша кун кечгача Лобарга қўнғироқ қилди, аммо... Шундан сўнг Қобилжон ноилож уйига қайтишга мажбур бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимояси — доимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Натижада ҳудудий бўлим томонидан тадбиркорлик субъектининг фаолиятида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияси рухсатисиз текшириш ўтказилганлиги аниқланди. Жумладан, ҳудудий бўлимнинг 1-тоифали муҳандис-технологи Саъдулла Панаев Урганч туманидаги "Akrom Bilol oil" хусусий корхонасига қарашли «АЁҚШ»да Урганч туманидаги Ҳ.Олимжон номли маҳаллада яшовчи Ф. Ибодуллаевнинг 2012 йил 13 февралдаги оғзаки мурожаатига асосан рухсатсиз текшириш ўтказган.

Қисқаси, адлия бошқармаси томонидан ўрганиш натижалари бўйича аниқланган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида "Ўздавнефтгазинспекция" Хоразм вилояти ҳудудий бўлимига тақдимнома киритилди ва муҳокама натижаси бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Ушбу ҳолатга қонуний баҳо бериш мақсадида тўпланган ҳужжатлар прокуратура органига юборилди.

Бундан ташқари вилоят адлия бошқармасида жорий этилган "Ишонч телефони"га 2012 йил мобайнида келиб тушган 47 та мурожаат ўрганиб чиқилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мисол учун Урганч туманидаги "Назира Рустам" фермер хўжалиги раҳбари Н.Саидованинг Урганч туманидаги "Чолиш Соҳибкор" агрофирмасидан уч миллион сўмдан ортиқроқ маблағини ундира олмаётганлиги юзасидан вилоят адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганилиб, унинг ҳуқуқлари тикланди. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тадбиркорнинг фойдасига асосий қарз билан бирга пеня ҳам ундириб берилди.

Ҳазорасп туманида фаолият кўрсатадиган "Пичоқчи савдо" маъсулияти чекланган жамияти раиси О.Жуманиёзовнинг "Ишонч телефони"га қилган мурожаатини ўрганиш жараёнида "Микрокредитбанк"нинг Боғот тумани филиали ходимлари томонидан кредит ажратишда сансалорликка йўл қўйилгани маълум бўлди. 39 миллион 750 минг сўмлик кредит маблағи бир кунлик муддатда табдиркорнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши таъминланди.

Мухтасар қилиб айтганда, адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларига кўмак бериш, таянч бўлишдек масъулиятли ишга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Зеро, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши учун яратилган ҳуқуқий кафолатларни таъминлаш уларнинг янада равнақ топишига ҳамда мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Амангалди АЛЛАЯРОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари

Hikmat

Алишер Навоий ҳикматлари

Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

* * *

Билмаганни сўраб ўрганган — олим,
Орланиб сўрамаган — ўзига золим.

* * *

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

* * *

Мевага мағз ўлса, бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман эрур дўст ҳам.

* * *

Яхшилик теграсида уйрула олмасанг, яхшилар теграсида уйрул.

* * *

Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур.

* * *

Сўзни кўнгулда пишкормагунча тилга келтурма,
Ҳар неким кўнгулда бор — тилга сурма.

* * *

Яхшилик қила олмасанг, бори ёмонлиқ ҳам қилма.

* * *

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

* * *

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,
Япроқни ифак қилур, чечак баргини бол.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Бебаҳо маънавий мерос сарчашмаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зеро, сайёрамизда шиддатли глобаллашув жараёни, инсон онги ва тафаккури учун мислсиз курашлар кечаётган бугунги мураккаб шароитда Алишер Навоий мероси янада долзарб аҳамият касб этаётир. Айни вақтда кўплаб хориж мамлакатларида шоир асарлари турли тилларда нашр этилмоқда, бадиий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Токио, Москва, Боку шаҳарларида Навоий бобомизнинг муаззам ҳайкаллари қад ростлаб турибди. Буларнинг барчаси улуғ шоир асарлари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг маънавий мероси эканидан далолатдир.

Халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган Алишер Навоийнинг маънавий мероси — миллий қувват манбаи, баркамоллик ва саодатга элтувчи мангу ибрат мактабидир. Буюк шоир асарларида инсонийлик, ҳалоллик, мардлик, қаноат, адолат, вафо, муҳаббат каби азалий ва абадий эзгу тушунчалар билан риё, эътиқодсизлик, ҳасад, кибр каби инсон маънавиятига ҳамиша соя солиб келган иллатларнинг абадий кураши тасаввур ва тафаккурнинг энг юксак мақомида ифодаланган. Одам учун ҳаётнинг барча сўқмоқлари эслатилиб, инсоний камолотга элтадиган энг яқин йўлларгина тавсия қилинган.

"Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмамон", деган улуғ бобомиз эл шод, мамлакат обод бўлиши учун, аввало, одамзот ўз борлиғидаги "ҳирсу ҳавас хирмони"ни барбод, "нафсу ҳаво қасри"ни барафтод этиши лозимлигини қайд этади. Инсонга ахлоқ, дид, эътиқод, тасаввур ва тафаккурнинг энг эзгу ғояларидан, ҳар қадамда фидойи бўлиш ва маънавий жасорат ҳисси билан яшаш саодатидан сабоқ беради.

Дарҳақиқат, маънавиятга таянган инсон икки дунё саодатига эришади. Улуғ шоир бобомиз ҳам илм эгаллашни икки жаҳон шоҳлигига мушарраф бўлишга тенг кўраркан, "қуёшлиқ истасанг, касби камол эт", дейди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай замон ва маконда ҳам Алишер Навоийнинг боқий мероси халқимиз учун маърифат, баркамоллик ва саодат мактаби бўлиб қолаверади. Зотан, шундай теран томирлардан сув ичиб улғайган, ўз тақдирини миллат тақдири билан боғлаб яшайдиган ўғил-қизлари бор халқнинг маънавияти бутун, келажаги буюк бўлади.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Maslahat

Таклиф йўллаш ва уни қабул қилиш

шартнома тузишда қандай ўрин тутади?

Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома интизомига қатъий риоя этиши томонлар манфаатига хизмат қилади. Шу боис, энг аввало, тузилаётган шартноманинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлишига эътибор қаратиш зарур.

Фуқаролик кодексининг 354-моддасида кўрсатилганидек, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча талаблари юзасидан келишувга эришилган тақдирда шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартноманинг умумий тартибда тузилиши икки босқичдан иборат. Биринчи босқич - шартнома тузиш, яъни ҳамкорлик ўрнатишни таклиф этиш жараёни. Бу оферта, деб номланади, ўз-ўзидан шартнома тузишга таклиф қилувчи эса, офферент, деб аталади.

Иккинчи босқич - шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни қабул қилишдан иборат. Бу жараён акцепт, таклифни қабул қилувчи эса, акцептант деб юритилади.

Фуқаролик кодексида белгиланганидек, агар шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф (оферта) жавоб учун муддат тайинланган ҳолда билдирилган бўлса, иккинчи тараф (акцептант) томонидан таклиф қабул қилингани тўғрисида хабар юборилганидан кейингина бу битим кучга киради.

Шартнома тузилиши учун тарафлар келишувининг ўзигина кифоя қилмайди. Бу келишув тегишли шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Одатда, шартномада у тузилган жой кўрсатилгани бўлиши керак. Агар шартномада унинг тузилган жойи кўрсатилмаган бўлса, шартнома оферта йўллаган фуқаронинг яшаш жойида ёки юридик шахснинг жойлашган ерида тузилган, деб эътироф этилади.

М.ЖАЛИЛОВ,
Наманган Давлат университети талабаси

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Суд очерки

унга фирибгарнинг ўзи тушди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Эртаси куни Холида опа яна Лобарнинг қўл телефонига қўнғироқ қилганди, бошқа аёл жавоб берди: "Лобарнинг ўғлини автомашина уриб кетди... Ҳозир сиз билан гаплашадиган аҳволда эмас".

Бу нохуш хабарни эшитиб, Холида опа Лобарга ҳам, унинг боласига ҳам ачинди. Шу боис у бир неча кун Лобарни безовта қилмади. Орадан кунлар ўтиб, Холида опа телефонда Лобар билан боғланди. У Лобарга бошига тушган мусибат учун ҳамдарлик билдирди-да, муддаога ўтди. Бунга жавобан Лобар Қобилжон 500 минг сўм пул билан тезда Зарафшон шаҳрига етиб келишини тайинлади.

Келишилганидек, Зарафшон шаҳрида Лобар Қобилжондан 500 минг сўмни олди. Сўнг у Холида опага қўнғироқ қилиб, ўғли келганини айтди-да, яна 200 минг сўм зарур бўлиб қолганини, шуни тезда ҳайдовчилардан бериб юборишини тайинлади. Лобар Холида опа жўнатган пулни ҳам олгач, Қобилжонни ташқарида қолдириб, қандайдир идораларга кириб чикди. Шу тариқа Қобилжон шаҳардаги меҳмонхонада яна уч кун қолиб кетди.

Ишлари битавермагач, Қобилжон онасининг маслаҳати билан яна уйига қайтди. Лобар эса, Холида опага бу гал 1 миллион 300 минг сўм пул бериб юборишини, иш битгани, ўғлининг тиббий кўрик ҳужжатларини тайёрлаётганини айтди. Орадан икки кун ўтиб эса, у яна 700 минг сўм сўради. Хуллас, Лобар Қобилжонни ишга жойлаштириб қўяман, деган алдов билан жабрланувчининг жами 5252620 сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Хўш, соддадил она ва ўғилни алдаб, катта миқдордаги маблағни қўлга киритган бу аёл ким эди?

Айтиш керакки, аслида Лобар деганлари Дилдора Бекмуродова бўлиб, у Зарафшон шаҳрида кўпчиликка отнинг қашқасидек таниш эди. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталиб ўтамиз. Ҳозир Д.Бекмуродованинг бошқа кирдикорларини баён этамиз.

* * *

Д.Бекмуродованинг фириб тўрига илинганлардан яна бири Зарифа Маҳанова эди. З.Маҳанованинг касби тиббиёт ҳамшираси эди. У 2003 йилга қадар шу соҳада ишлаган, кейин оилавий шароити сабабли уйда ўтирар, бироқ яна ишлаш фикри ҳам йўқ эмасди. Шундай кунларнинг бирида қўшниси Раҳима бир юмуш билан унинг уйига кирди-ю, Зарифанинг ишга чиқиш истаги кучайди.

— Дилдора деган танишим мени ишга ўтказаяпти, — деб қолди Раҳима.

Зарифа унинг гапларини эшитиб туриб, ўзининг ҳам ишлаш нияти борлиги, шунинг учун қўшнисидан Дилдора билан гаплашиб беришини илтимос қилди. Раҳима ҳам йўқ, демади, аксинча, у дарров Дилдорага қўнғироқ қилиб, бу ҳақда айтди. Телефондаги суҳбат чоғида Дилдора Зарифадан маълумотини, аввал қаерда ишлаганини сўради. Сўнгра:

— Поликлиника ёки шифохонада ҳамширалик қилсангиз бўларкан, — деди у. — Қай бирида ишлашни ўзингиз танлашингиз керак. Харажати — 900 минг сўм бўлади.

Орадан икки кун ўтиб, Д.Бекмуродованинг ўзи Зарифага қўнғироқ қилди-да, яшаш манзилини сўраб, уйига келди. У Зарифага ҳуқуқшунос эканлигини, болалари ёш бўлганлиги сабабли фарзанд тарбияси билан машғул эканлигини айтди.

Қисқаси, ўша куни Д.Бекмуродова Зарифанинг ишончига кириб, 200 минг сўм пул билан шахсий ҳужжатларини олиб кетди.

Аммо кечга томон у Зарифага яна қўнғироқ қилиб, таксида унинг уйига бораётганини, тезда 500 минг сўмни олиб, кўчага чиқиб туришини тайинлади. Кейинчалик эса, у яна пул сўради. Хуллас, у З.Маҳанованинг 900 минг сўмини фирибгарлик йўли билан қўлга киритди.

* * *

1981 йилда туғилган Д.Бекмуродова ҳаёт инъом этган, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган бахт — оиласини сақлаб қололмаган. У турмушидан ажрашган, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Айнан фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун Д.Бекмуродова уч марта суднинг қора курсисига ўтирган. Биринчи гал суд томонидан унга бағрикенглик қилиниб, амнистия акти қўлланди. Иккинчи марта суд фирибгарлик жиноятни содир этгани учун 1130400 сўм жарима жазоси белгилади. Кейинги сафар суднинг ҳукми билан Д.Бекмуродовага 4144800 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Бироқ у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Д.Бекмуродова чиркин мақсадига етиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ёдингизда бўлса, юқорида Холида опага Лобар, яъни Дилдора Бекмуродованинг ўғлини автомашина уриб кетгани ҳақида айтганди. Аслида бундай нохуш ҳодиса рўй бермаган, Д.Бекмуродова фирибгарлик йўлида шундай ёлғонни ўйлаб топганди.

Ёки жабрланувчи З.Маҳановага Д.Бекмуродова ўзини "ҳуқуқшуносман, болаларим ёш бўлганлиги туфайли уйдаман" деган сўзлари ҳам ёлғон. Чунки Д.Бекмуродова ҳеч қачон фойдали меҳнат билан шуғулланмаган.

Айтиш керакки, Д.Бекмуродованинг қилмишлари очиқ суд мажлисида атрофлича кўриб чиқилди. Суд уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари билан айбдор, деб топиб, қонуний жазо тайинлади. Суд ҳукмида жабрланувчилар — Х.Насимовага 5252620 сўм, З.Маҳановага 900 минг сўм ва Р.Жаниевага 200 минг сўм миқдорида етказилган зарар ундирилиши қайд этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Д.Бекмуродованинг қилмишлари кўнгилда баъзи мулоҳазаларни уйғотади. Тўғри, Д.Бекмуродованинг нопок ишларга қўл уришдан тап тортмаслиги, аввало, унинг ўзини бадном қилди. Суд томонидан унинг қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди.

Лекин Қобилжон, унинг онаси Холида опа, З.Маҳаева ва Р. Жаниеваларнинг кўр-кўрона хатти-ҳаракатларини сира оқлаб бўлмайди. Аниқроқ айтганда, улар ўзлари билмаган ҳолда фирибгар Д.Бекмуродованинг тегирмонига сув қуйишди.

Шундай экан, ҳаётга очиқ кўз билан қараш, ҳар бир ишга, аввало, қонун талабидан келиб чиқиб ёндашиш кишини турли хил оворагарчиликлардан асрайди. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ўткир ҲАЙДАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Sirli olam

Ҳаётда баъзан кимнингдир фавқулодда қобилияти, ақл бовар қилмайдиган топқирлиги ҳақида эшитганда, беихтиёр ҳайратга тушамиз, устига-устак, «бундай бўлиши мумкин эмас», дея ишончсизлик ҳам билдирамиз. Аслида эса, инсон тафаккури, унинг ақл-заковати чегара билмайди. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган инсон хотираси имкониятларига дахлдор хабарлар ҳам бунга мисол бўла олади.

Биз билган ва билмаган дунё

Хотиранинг чексиз имкониятлари

Жанубий африкалик Ян Христиан Смэтс вояга етган чоғда 5000 та китобни ёддан билган, бирмалик Виситтамб Вумса эса 6000 саҳифадан иборат ривоятларни сира адашмай ёддан айтиб берган.



Бундан ташқари қувваи ҳофизаси ўта кучли бўлган шахслар ҳам тарихда кўп учрайди. Масалан, россиялик Валерий Лавриненко икки ярим дақиқа ичида 100 та белгини, уч дақиқада эса 200 белгини хотирасида сақлаб қола олади. Тўғри, бунда у кўпи билан икки-уч марта хатога йўл қўйиши мумкин. Лекин бу арзимас камчилик унинг фавқулоддда ўткир қобилиятига соя солмайди. Валерий сонларни исталган тартибда айтиб бериш билан чекланмай, ушбу сонларни унга айтган кишининг ташқи қиёфасини ҳам аниқтиниқ тасвирлаб беради.

Кези келганда шуни айтиш керакки, ҳаётда кучли хотирага эга бўлиш ҳамиша асқотган. Масалан, хитойлик Гу Янлин ўзининг ана шундай ажабтовур хотирасидан ҳаётда усталик билан фойдаланган. Гап шундаки, Гу Янлин ўн беш мингдан ортиқ одамнинг телефон рақамини ёддан билган. Лекин Тасманиядаги маълумотлар бюроси ходими Паула Прентиснинг хотирасига қойил қолмай иложингиз йўқ. У оз эмас, нақд 128603 нафар абонентнинг телефон рақами, исм-шарифи, манзили ва ташкилот номларини ёддан билади. Энг асосийси, бирон-бир тезкор маълумотга зарурат туғилса, маҳаллий қутқарув хизмати ходимлари сира иккиланмай дарҳол унга қўнғироқ қилишади ва энг ишончли маълумотни олишади. Ажабланарлиси шундаки, Паула ўзининг телефон рақамини ёддан билмайди, шунинг учун уни ён дафтарига ёзиб, ҳамиша ўзи

билан бирга олиб юради.

Хотира ҳақида гап кетганда, Самвел Гарибяннинг қобилиятига кўпчилик сўзсиз тан беради. Нега деганда, у ҳеч бир хатосиз ўнта хорижий тил ичидан ихтиёрий тарзда айтилган мингга яқин сўзни бир эшитишдаёқ яна айнан такрор айтиб беради.

Америкалик Барбара Мур ҳам бу борада ундан қолишмайди, у кучли хотирасига таянган ҳолда 1852 та қўшиқни пианинода ижро этган. Унинг иштирокидаги антиқа концерт 1988 йил 23 октябрдан то 13 ноябрга қадар давом этган.

1996 йил 24 июнь куни Канадада жаҳон Гиннес рекорди музейи биносида америкалик Дейв Фэрроу чийланган 52 та қарта дастасида қарталарнинг изма-из жойлашиш тартибини бир қарашда эслаб қолган. У атиги бир марта хатога йўл қўйган. Ҳолбуки, у қарталарга фақат бир марта назар ташлаганди, холос.

Польшанинг «Гурник» футбол клуби хазинабони Леопольд Хельд ҳам хотираси билан мақтанса арзийди. Чунки у нафақат ўз жамоаси қайд этган натижалар ва ўйин тафсилотлари, балки ўзининг 12 йиллик иш фаолияти мобайнида ўтказилган барча ўйинлардан тушган умумий да-

ромадни ҳам миридан-сиригача ёддан билади.

Англиялик Доминик О`Брайенга дунёдаги барча қиморхона («Казино») эшиклари расман ёпиб қўйилган. Нега унга қиморхоналарнинг эшигини ёпиб қўйишган, балки унинг шунга яраша бирон-бир айби бордир, деб ўйлагандирсиз. Йўқ, унинг ҳеч қандай айбу гуноҳи йўқ, ҳаммасига сабаб... унинг ғайритабиий хотирага эга бўлганидир. Чунки у ўзининг ўта кучли хотирасига таяниб дастада айнан қандай қарталар қолганини эслаб қолган ҳолда тикиладиган пуллар миқдорини кескин ошириб бориб, банк жамғармасини яхшигина шилиб оларди. Бундан ташқари Доминик бир соат ичида 300 га яқин хорижий сўзларни ёд олади, икки-уч кундан сўнг бегона тилда бемалол ўқий олади.

Айтиш керакки, 1994 йилда хотира машқи бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати шартларига хориж сўзларини эслаб қолиш беллашувлари ҳам киритилганди. Ушбу мусобақада иштирок этган Доминик ғолиб чикди: у ўн беш дақиқа ичида хитой тилидаги 152 та сўзни эслаб қолган.

Интернет материаллари асосида Дилфуза РАҲИМБЕКОВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9083.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰